

КАМОЛИДИН МАМАДАЛИЕВ

**ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ
АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛИДИН МАМАДАЛИЕВ

**ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ
АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИ**

«Ilm nurli kitob»
Тошкент – 2024

УДК 373.2;-028.27
КБК 74.2
М-49

Мамадалиев К.Р.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратишнинг методикаси ва амалиёти. Монография. Т.: "Ilm nurlı kitob", 2024. 208 б.

1. Мамадалиев Камолидин Рахматуллоевич.

Монографияда янги очилган таълим йўналишлари мисолида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва методизмлари, замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларининг янги авлодини ва электрон дарсликларни яратишга қўйиладиган дидактик талаблар ҳамда Бошлангич таълим йўналишидаги фанларни электрон дарслигини яратиш ва уни ўқитиш методикаси берилган.

Монография узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларига таълим-тарбияни ривожлантириш ҳамда услубий ишланмаларни такомиллаштиришда методологик асос вазифасини ўтайди.

Педагогика фанлари доктори **М.Тожиевнинг**
умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

З.Давронов – фалсафа фанлари доктори, профессор,

Б.Абдуллаева – педагогика фанлари доктори, профессор.

УДК 373.2;-028.27
КБК 74.2

Мазкур монография Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий-техник Кенгашининг 2024 йил 15 октябрдаги 3-сонли Қарори билан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-8612-3-7

Чирчиқ давлат педагогика университети
5 йиллигига бағишланади

Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш – таълим сифати ва самарадорлигининг кафолати (Сўз боши ўрнида)

Мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ечимини қол қилиш мақсадида, баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек, олий таълим тизимида ҳам улкан нелоҳотлар амалга оширилмоқда, бунда ўқув адабиётларнинг янги авлодини, айниқса, электрон дарсликларни яратиш ва таълим жараёнига кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилган янги авлод дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони ва 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли ҳамда 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли

Қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий қоидалар ишлаб чиқилди ва уларни амалиётга киритиш олий таълим тизимини тубдан модернизация қилишни тўлиқ қафолатлайди.

Олий таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг омилларидан яна бири инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилаётган янги авлод ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг савиясига боғлиқ бўлиб, айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригида "...ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доим иш олиб борамиз" [6; 1-б.], деб таъкидлаб ўтдилар ва бизга таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга ошириш, аввало, ўқитувчига, унинг билими ва касб маҳоратининг шаклланиш даражасига боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида" 4-сонли қарор асосида ишлаб чиқилган "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси"нинг мақсади ўзлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир бўлиб, Ушбу концепцияси такомиллаштириш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси", "Республика олий таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом" ва "Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган Талаблар" лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Уларда ёшлар онгига миллий ғояни сингдириш, баркамол

авлодни тарбиялаш, таълим билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этилишига хизмат қиладиган янги авлод ўқув адабиётларини яратишда ушбу ютуқларига алоҳида эътиборни қаратилди. Янги авлод ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат. Хусусан:

... * мавзуларнинг услубий кетма-кетлиги, илмийлиги, юксак маънавиятга эга баркамол авлодни тарбиялашга қаратилиши;

... * тирлиши;

* мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий ғояни ёшлар онгига сингдирилишига, ватанпарварлик, туйғуларини шакллантиришга қаратилиши;

* республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти барқарор ривожланиши учун таълим, фан ва ишлаб-чиқаришдаги сўнги ютуқларни ёритилиши;

... * малар, рангли безаклар, иллюстрациялар ва шу кабилар) сифати;

... * ечаги қарашлар, бурунги услублар эскириб қолмоқда. Ҳаёт эса биздан ҳар соҳада замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишни талаб этмоқда. Бугун таълим муассасаларида ўтиладиган барча жамийки фанлар бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли Қарори шу йўналишга хизмат қилади. Қарорда мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабаларининг мутолаа маданияти, китобхонлик кўникмаларини шакллантириш бўйича янги авлод методик тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди.

... Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори янги таҳрирда тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди[27]. Унга киритилган ўзгартиришлар бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари агрега-

цияланиб такомиллаштирилди, олий таълим тизимида илм-фан натижаларини амалиётга қўллаш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиғи борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Педагогика таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари давлат таълим стандартлари асосида амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, янги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуилар мазмунини модернизациялаш ва электрон дарсликлар яратиш ҳамда амалиётга кенг тadbик этиш чоралари кўрилди.

Шунга асосан, Давлат таълим стандарти, малака талаблари, фан дастури, ўқитиш методикаси, дидактик талаблар, педагогик технология ва мажму (системали) ёндошувга мувофиқ яратилган, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги янгиликлар жорий этилган, илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнги ютуқлари тўлиқ ёритилган, таълим олувчилар томонидан тегишли фан асосларининг мукамал ўзлаштира олиш имконини берувчи ҳамда турдош таълим йўналишларида ҳам фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётининг янги авлодини яратиш куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу вазифанинг асосий ечимларидан бири замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларининг янги авлодини яратиш ва таълим-тарбия жараёнига кенг тadbик қилишдир.

Ушбу монография ЁА1-012 – Узлуксиз таълим янги авлод ўқув адабиётлари ва унинг электрон дарслигини яратишнинг методикаси (“Ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” фани мисолида) мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳа натижалари асосида шакллантирилган бўлиб, янги очилган таълим йўналишлари мисолида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва механизмлари, замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларининг янги авлодини ва электрон дарсликларни яратишга қўйиладиган дидактик талаблар ҳамда Бошланғич таълим йўналишидаги фанларни электрон дарслигини яратиш ва уни ўқитиш методикаси берилган.

Мен ўйлайманки, ушбу монография узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, илмий

тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларига таълим-тарбияни ривожлантириш ҳамда услубий ишланмаларни такомиллаштиришда методологик асос вазифасини ўтайди.

Мамаражаб Тоғиев,
педагогика фанлари доктори,
Турон академияси академиги,
Халқаро педагогика фанлари
академияси мухбир аъзоси.